


“ТАСДИҚЛАЙМАН”



“ХОРАЗМ ХЭТ” АЖ бош директори


С.М.Берегин

“ 02 ” “ XI ” 2022 йил

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАБ ОЛИШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ХУЖЖАТЛАРИ

ОБЪЕКТ НОМИ: (1-2 Этапы). 2-Этап Внешнее электроснабжение специальных малых промышленных зон специализированная на производстве строительных материалов в махалле (Алокаликул) Хазараспского района

Урганч шаҳри – 2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

Танлов иштирокчиси учун йўриқнома

1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1:(1-2 Этапы).2-Этап Внешнее электроснабжение специальных малых промышленных зон специализированная на производстве строительных материалов в махалле (Алокаликул) Хазараспского района

Курилиш объектининг бошланғич қиймати ҚҚС билан бирга ҳисобланганда: **2 139 025 736** (икки миллиард бирюз ўттиз тўққиз миллион йигирма беш минг етти юз ўттиз олти) сўм

1.1 Танлов охирги қиймати - **2 139 025 736** сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.2. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинади.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 60 календар кун давомида амалга оширилади.

1.4. Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

2.1. “ХОРАЗМ ҲЭТ” АЖ (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Урганч шаҳар, Хонқа кўчаси 36/1 уй манзили

Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.2.Танлов **“ХОРАЗМ ҲЭТ” АЖ** “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1.Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловга иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

*** Ҳавфи юқори бўлган объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш фаолиятини амалга ошириш бўйича лицензия мавжудлиги:**

Агарда ҳавфи юқори бўлган объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш фаолиятини амалга ошириш бўйича лицензия (license.gov.uz) орқали текширилади мавжуд бўлмаса танловда иштирок этиши тақиқланади.

*** Ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги ходимларнинг электрон дафтарчаларини (my.mehnat.uz) сайтида юклар олинishi, ишчи-ходимлар малакасини тасдиқловчи, қайта тайёрловдан ўтган бўлиши лозим:**

- Танлов иштирокчиси ишчи малакали хизматчилари сони-10 дан 20 гача бўлса 10 балл:

- Танлов иштирокчиси ишчи малакали хизматчилари сони-21 дан 30 гача бўлса 15 балл:

- Танлов иштирокчиси ишчи малакали хизматчилари сони-31 дан юқори бўлса 20 балл:

*** Танлов иштирокчиси қурилиш соҳасида электрон рейтинг даражаси:**

Танлов иштирокчиси қурилиш соҳасида электрон рейтинг даражаси (reyting.mc.uz) орқали текширилади:

- Танлов иштирокчиси қурилиш соҳасида электрон рейтинг даражаси “DDD” бўлса 5 балл

- Танлов иштирокчиси қурилиш соҳасида электрон рейтинг даражаси “С” бўлса 10 балл

- Танлов иштирокчиси қурилиш соҳасида электрон рейтинг даражаси “СС” бўлса 15 балл

- Танлов иштирокчиси қурилиш соҳасида электрон рейтинг даражаси “ССС” ва ундан юқори бўлса 20 балл

***Танлов иштирокчисининг асосий ҳисоб рақамидаги маблағлар миқдори бўйича куйидагича баҳоланади:**

- Танлов предменти қийматининг 10% миқдоридagi маблағга эга бўлса-10 балл (банк маълумотномаси тақдим қилиниши шарт);

- Танлов предменти қийматининг 20% миқдоридagi маблағга эга бўлса-15 балл (банк маълумотномаси тақдим қилиниши шарт);

- Танлов предменти қийматининг 30% миқдоридagi маблағга эга бўлса-20 балл (банк маълумотномаси тақдим қилиниши шарт);

- Танлов предменти қийматининг 40% миқдоридagi маблағга эга бўлса-25 балл (банк маълумотномаси тақдим қилиниши шарт);

***Танлов иштирокчиси етарли машина-механизмлар билан таъминланганлиги туман ёки шаҳар статистика бўлими тамонидан маълумотнома асосида (*pdf*) шаклда жойлаштириш;**

Тендер иштирокчининг ўз балансидаги ёки ижара шартномасига асосан ишларни бажаришида фойдаланадиган машина ва механизмлар тўғрисида маълумот. Ижара ва лизинг асосидаги машина ва механизмлардан фойдаланишига рухсат этилади. Бунда иштирокчи лойиҳани бажариш даврида ҳақиқий бўлган лизинг ёки ижара шартномасининг нусҳасини илова қилиши керак.

*** Қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулки мусодарага олинмаган, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаганларга. Икки ёки ундан ортиқ пудрат ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкил этиш орқали) иштирок этишларига рухсат этилмайди.**

* Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида электрон шаклдаги маълумотнома танлов эълон қилинган санага (*pdf*) шаклда жойлаштириш;

* Банкдан муддати ўтган кредит қарздорлиги ҳамда бошқа қарздари мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома танлов эълон қилинган санага (*pdf*) тасдиқланган шаклда жойлаштириш;

* Танлов объектига ўхшаш объектларга ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, Охириги 3 йилги тасдиқланган қурилиш-монтаж ишларини қабул қилиш далолатномалари ҳамда камида 7 та электрон счёт фактураларини тақдим қилишлари шарт;

* Қурилиш майдонини ҳамда лойиха смета ҳужжатларини буюртмачи ташкилот вакили иштирокида кўздан кечирганлиги тўғрисидаги маълумотнома (*pdf*) тасдиқланган шаклда жойлаштириш;

* Тендер иштирокчисининг охириги уч йилдаги молиявий ахволи. (Бунда тендер иштирокчи аудитор компаниясининг ҳулосаси ёки қорхонанинг охириги 3 йиллик баланс, молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаларини давлат солиқ органларидан тасдиқланган (*pdf*) шаклда илова қилиш шарт.)

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда порталга электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

* Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қуйидаги техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

* Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўлов талаблари ва якуний тўловлар, ҳамда бошқа кўрсатилган бўлиши керак

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифни яэлектрон тарзда etender.uzex.uz махсус электрон савдо порталида жойлаши лозим.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

4.5. Танлов иштирокчиси : - ФАҚАТ БИТГА таклиф бериши мумкин;

4.6. Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларининг ҳаққонийлигига ўзи жавобгар бўлади.

Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдирлар.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилганидан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Танловни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориш шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда, ундан олдин олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундан сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.









6.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

КЕЛИШИЛДИ

Харид комиссияси раиси :

Харид комиссияси аъзолари :

Харид комиссияси котиби:

 Ш.Э.Аллазаров
 О.И.Раджаев
 С.Р.Ғайипова
 Т.Ш.Матмуратов
 А.Б.Каримов
 М.Ш.Назаров
 А.А.Каримов
 Д.Ж.Хасанов